# КУЧ — АДОЛАТДА

2010 йил, 5 май, чоршанба
№ 18 (272)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.supcourt.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.


# ХОТИРА АБАДИЙ, ҚАДР МУҚАДДАС

**Инсон хотира билан тирик, қадр билан улуғдир. Ўтганларнинг руҳини шод этиш, уларнинг хайрли ишларини, эл-юрт ва Ватан олдидаги жасоратини ёдга олмоқ халқимизга хос эзгу қадриятлардан. Шу боис Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган минглаб юртдошларимиз хотирасини ёд этиш, оловли жанггоҳлардан омон қайтган боболаримизга, оғир кунларни сабр-бардош билан енгган момоларимизга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш том маънода миллий қадриятга айланди.**



Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан юртимизда 9 май — Хотира ва қадрлаш куни сифатида нишонланаётгани бунинг яққол исботидир. Истиқлол йилларида ушбу кун инсон хотираси ва қадри улуғланадиган муҳим тарихий санага айланди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 24 мартда қабул қилинган **«Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 65 йиллиги нишонланиши муносабати билан 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронларини мукофотлаш тўғрисида»**ги Фармони нуронийларга кўрсатилаётган эътиборнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

Маълумки, урушдан олдин Ўзбекистонда 6,5 миллион аҳоли яшаган. Шундан 1,5 миллионга яқин одам урушда иштирок этган. Бу шуни кўрсатадики, қурол кўтаришга қодир бўлган юртдошларимизнинг тахминан 70-80 фоизи бу бешафқат урушда бевосита иштирок этган.

Бугунги кунда уруш қурбонлари хотирасига бунёд этилган пойтахтимиздаги Хотира майдони кенг жамоатчилигимиз мунтазам ташриф буюрадиган табаррук зиёратгоҳлардан бирига айланди.

Хотира майдонига қадам қўйган кишини ўтмиш хаёлоти чулғаб олади. Бу майдон нафақат ўтганлар ёдини, балки халқимизнинг шарафли кечмишини мужассам этган тарих китобига ўхшайди. Бу ерга келган ҳар бир инсон қалбида шу табаррук юрт барчамизники, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш муқаддас бурчимиздир, деган эзгу туйғу жўш уради. Мотамсаро она ҳайкали пойига гул қўяётган ҳар бир инсон бузғунчилик, уруш ва қабоҳатни қоралаб, бугунги дориломон кунларга шукрона келтиради.

Зеро, мамлакатимиздаги тинчлик, осойишталик боис шаҳар ва қишлоқларимиз обод, турмушимиз фаровон. Амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари — кўз ўнгимизда қад ростлаётган бетакрор иншоотлар, таълим ва тиббиёт муассасалари, кўприк ва равон йўллар, боғ ва хиёбонлар, замонавий технологиялар билан жиҳозланган қудратли корхоналар — буларнинг барчаси юртимизда қарор топган тинчлик ва осойишталик туфайлидир.

(Давоми учинчи бетда)

*Ушбу сонда:*


Тадбиркор — қонун ҳимоясида



2

Яхшилар ёди ҳамроҳимиз бўлсин! 3

Эзгуликнинг илк сабоғи
бола қалбига алла орқали киради



4


*E`tirof*

## ЎЗБЕКИСТОНДА ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШГА ОИД БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ИСЛОҲОТЛАР ЮКСАК САМАРАЛАР БЕРМОҚДА




**Пойтахтимиз Тошкент шаҳрида жорий йилнинг 1-4 май кунлари бўлиб ўтган Осиё тараққиёт банки (ОТБ) Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлисида бу яна бир бор эътироф этилди.**

**Маълумки, 3 май куни "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгаши 43-йиллик мажлисининг очилиш маросими бўлиб ўтди.**

**Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.**

**Давлатимиз раҳбари мамлакатимизнинг Осиё тараққиёт банки билан кенгайиб бораётган ҳамкорлик алоқаларини юксак қадрлаймиз, сўнгги йилларда ҳам кредит портфели ҳажми бўйича, ҳам Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорлик доирасида етакчи халқаро молия институтига айланган мазкур банк муҳим стратегик шерикларимиздандир, деб таъкидлади.**

Осиё тараққиёт банки президенти Харухико Курода ўз чиқишида Президент Ислом Каримов ва Ўзбекистон халқига ОТБнинг мазкур форуми — банк Бошқарувчилар кенгашининг Марказий Осиёда илк бор ўтказилаётган мажлисини ташкил этишда кўрсатган катта ёрдами учун миннатдорлик изҳор этди. ОТБнинг асосий вазифаси Осиё ва Тинч океани минтақасидаги мамлакатларга иқтисодий ҳамда ижтимоий ривожланишда кўмаклашиш, иқтисодий ўсишни жадаллаштириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, инсон ресурсларини ривожлантириш, экологик муаммолар, жумладан, иқлим ўзгариши билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда ёрдам беришдан иборатдир.

1966 йилда ташкил этилган Осиё тараққиёт банки бугунги кунда катта молиявий ва техник имкониятларга эга. 67 давлат, жумладан, Осиё-Тинч океани минтақасининг 48, Европанинг саноати ривожланган қатор мамлакатлари, шунингдек, Канада ва АҚШ мазкур банкнинг аъзолари ҳисобланади. Банк ривожланиш ва минтақавий ҳамкорликка оид лойиҳаларни молиялаштириш ҳамда ушбу соҳаларда техник кўмак бериш билан бирга аҳолининг миллий салоҳияти ва турмуш сифатини оширишга йўналтирилган, пухта ўйланган ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга ошираётган мамлакатларга ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

ОТБнинг Ўзбекистон билан узоқ муддатли ва самарали ҳамкорлиги бунга ёрқин мисол бўла олади. Мамлакатимиз 1995 йилдан буён ушбу йирик халқаро молия ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзосидир.

Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган машҳур беш тамойилга асосланган, жаҳонда ривожланишнинг «Ўзбек модели» деб кенг эътироф этилган ислоҳотларни изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш самарасида Ўзбекистонда макроиқтисодий мувозанат ва барқарор иқтисодий ўсиш таъминланмоқда.

Шу боис ушбу нуфузли халқаро молия ташкилотининг бундай муҳим форумини айнан Тошкентда ўтказишга қарор қилинди. Мамлакатимизнинг Президент Ислом Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш борасидаги тажрибаси жаҳонда кенг ўрганилмоқда.

2009 йилда ялпи ички маҳсулот ўсиши 8,1 фоизни ташкил этгани Ўзбекистонда ўз вақтида қабул қилинган инқирозга қарши комплекс чоралар самарадорлигининг амалий натижасидир.

(Давоми иккинчи бетда)

*Bag`rikenglik tamoyillari*

## Шартли ҳукм

### бундан кўзланган мақсад шахсни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялашдир



**Истиқлол йилларида жиноий жазоларнинг босқичма-босқич равишда либераллаштирилиб борилаётгани инсонпарварлик тамойиллари устуворлигини таъминламоқда. Эътиборли томони шундаки, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни қўллашга кенг ўрин ажратилаётир.**

Шахсни жазодан озод қилишнинг кенг қўлланаётган, инсонпарварлик тамойилларига тўлиқ асосланган ана шундай турларидан бири — шартли ҳукм қўллаш ҳисобланади. Суд жиноятнинг хусусияти, ижтимоий хавфсизлик даражаси, айбдорнинг шахси ва бошқа ҳолатларни эътиборга олиб, судланувчи тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам назорат қилиш орқали унинг хулқини тузатиш мумкин, деган қатъий фикрга келса, шартли ҳукм қўлланилиши мумкин.

(Давоми учинчи бетда)

*Huquqiy savodxonlik sari*

**Конституциямизнинг 36-моддасида қайд этилганидек, ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли. Шу асосда мамлакатимизда «Мулк тўғрисида» ги қонун қабул қилиниб, бу борадаги ижтимоий муносабатлар тартибга солинди. Илгари давлат тасарруфида бўлган мулкнинг катта қисми хусусийлаштирилди. Фуқароларга улар истиқомат қилиб келган уй-жойларни хусусийлаштириб олишга имконият яратилди. Ўтган йиллар мобайнида фуқароларнинг тураржой ва хонадонларни тасарруф этишга оид қонун ҳужжатлари янада такомиллаштирилди.**

## Мулк ҳуқуқи

### унинг қонунчиликдаги айрим жиҳатлари

**«Нотариат тўғрисида»**ги қонуннинг 44-моддаси талабларига мувофиқ, рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш ва гаровга қўйиш тўғрисидаги битимлар бошқа шахсга ўтказилаётган ёки гаровга қўйилаётган мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилган тақдирдагина тасдиқланиши лозим.

Бунда мол-мулкнинг бошқа шахсга ўтказувчига ёки гаровга қўювчига тегишлилиги ҳамда бошқа шахсга ўтказиш тақиқланмаганлиги ва хатланмаганлиги текширилади. Тақиқ мавжуд бўлган ҳолларда кўрсатилган мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битим фақат кредитор билан олувчи шахс қарзни олувчининг ҳисобига ўтказишга рози бўлган тақдирда тасдиқланиши мумкин.

(Давоми учинчи бетда)

*Fuqarolik qonunchiligi*

## Суғурта шартномаси

### у билан боғлиқ низолар қандай ҳал этилади?



**Суғурта молия тизимининг асосий бўғинларидан бири ҳисобланиб, республикамизнинг бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиши жараёнида муҳим аҳамият касб этади.**

**Суғурта фаолиятининг ҳуқуқий асосларини яратиш мақсадида дастлаб «Суғурта тўғрисида»ги қонун қабул қилинган бўлса, бозор иқтисодиёти соҳасидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва янгича ижтимоий муносабатларнинг шаклланиши натижасида 2002 йил 5 апрелда «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Мазкур қонун суғуртага оид кенг қамровли муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни кўзда тутади.**

Президентимизнинг **«Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарори асосида суғурта хизматларининг рақобат бозорини янада шакллантириш, суғурта фаолиятининг замонавий турларини ривожлантириш ва сифатини ошириш, суғурталашни тартибга солиш усулларини такомиллаштириш мақсадида **«2007-2010 йилларда Ўзбекистон суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш»** дастури қабул қилинди. Ушбу Дастурни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсад — **«Транспорт воситалари эгаларининг жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тўғрисида»**ги қонунни ишлаб чиқиш эди ва бу иш муваффақиятли бажарилди. Эндиликда ушбу қонун йўл-транспорт ҳодисаси содир этилганда жабр кўрган фуқароларга етказилган зарар қопланишида алоҳида аҳамият касб этмоқда.

(Давоми иккинчи бетда)

*E`tirof*

# ЎЗБЕКИСТОНДА ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШГА ОИД БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ИСЛОҲОТЛАР ЮКСАК САМАРАЛАР БЕРМОҚДА

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Ўтган йилда миллий иқтисодиётимизга жалб қилинган инвестициялар умумий ҳажми қарийб 26 фоизга, жумладан, хорижий инвестициялар 68 фоизга кўпайди. Бу эса, ўз навбатида, хорижлик ишбилармон доираларнинг мамлакатимизга, бу ерда яратилган қулай инвестиция муҳитига ишончи ортиб бораётганини кўрсатади. Шу билан бирга 2010 йилнинг биринчи чорагида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,6 баравар кўп ўзлаштирилди. Ўзбекистон молия сиёсатининг ўзига хос жиҳати шундаки, хорижий кредитлар, жумладан, ОТБнинг кредит линиялари бўйича маблағлар узоқ муддатли асосда иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастурига киритилган стратегик инвестиция лойиҳаларини молиялаш, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш йўлида жалб этилмоқда.

ОТБ форумининг очилиш маросимида банкнинг Осиё-Тинч океани минтақасидаги мамлакатларда узоқ муддатли иқтисодий ва ижтимоий дастурларни глобал ҳамкорлик доирасидаги барқарор ривожланиш йўлида қўллаб-қувватлаб келаётгани миллий иқтисодиётлар салоҳиятини ошириш билан бирга жаҳон миқёсидаги умумий тараққиётга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Қайд этиш жоизки, Осиё тараққиёт банки (ОТБ) Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлисида дунёнинг қатор давлатларидан вакиллар иштирок этди ва юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга юксак баҳо бердилар. Қуйида уларнинг айримлари билан танишасиз:

**Ник ШЕРРИ, Австралия ҳукумати ғазначиси ўринбосари, сенатор:**

— Ўзбекистонга биринчи бор келишим. Юртингиз тарихи ва маданиятига оид кўплаб китоблар ўқиган, мамлакатингиз ҳақида анчагина маълумотларга эга эдим. Аммо юз марта эшитгандан бир марта кўрган афзал, деганларидек, тасаввуримдаги билан ҳақиқий Тошкент ўртасида улкан фарқ бор экан. Пойтахтингизнинг гўзаллигига ҳавасим келди.

Мамлакатингизда қисқа вақт ичида барча соҳаларда, жумладан, нефть-газ, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва транспорт коммуникациялари, таълим, сайёҳлик каби жабҳаларда амалга оширилган ўзгаришлар ва қўлга киритилган улкан ютуқлар ҳайратланарли. Шаҳарлар инфратузилмасини ривожлантириш, юртингиз қиёфасини янада гўзаллаштириш борасида амалга оширилган беқиёс ишлар таҳсинга лойиқ.

Пойтахтингизнинг кўплаб диққатга сазовор жойларида бўлдим. Айниқса, Темурийлар тарихи давлат музейидаги бой тарихингизни ҳаётий акс эттирган ранг-баранг экспонатлар, осори-атиқалар мени лол қолдирди.

**Ву Чонг УМ, Осиё тараққиёт банкининг Минтақавий ва барқарор ривожланиш департаменти бош директорининг ўринбосари (Филиппин):**

— Тошкентда Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлисидек нуфузли халқаро тадбирда қатнашишга муяссар бўлганимдан ғоят мамнунман. Ушбу мажлисни ўтказиш учун катта тайёргарлик кўрилганига амин бўлдик. Ўзбекистон — Марказий Осиё минтақасида ҳар томонлама жадал ривожланаётган етакчи мамлакат.

**Натан ТИВЕ, Кирибати молия вазири, Осиё тараққиёт банки бошқарувчиси (Кирибати):**

— Ўзбекистон ривожланиш босқичларидан муваффақиятли ўтаётган мамлакатдир. Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлисида иштирок этиш менга катта мамнуният бағишламоқда. Мазкур анжуман банк-молия соҳасидаги етакчи экспертлар, олим ва мутахассислар билан ўзаро фикр ва тажриба алмашиш имконини бераётир.

Мамлакатингиз иқтисодиётининг барча йўналишлари, шу жумладан, транспорт ва транспорт коммуникациялари, қурилиш соҳасида кенг кўламли ва самарали ислоҳотлар олиб борилаётгани эътиборга молик. Мамлакатларимиз ўртасидаги масофа узоқ бўлишига қарамай, ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш борасида Ўзбекистон ҳам, Кирибати ҳам улкан имкониятларга эга эканлигини алоҳида қайд этмоқчиман.

Ўзбекларга хос гўзал фазилатлар — аҳиллик, меҳр-оқибат, ажойиб урф-одатлар ва миллий анъаналардан ўрнак олса арзийди. Ширинсухан ва меҳмондўст халқингиз ҳар қандай киши қалбида меҳр уйғотади. Энг асосийси — Ўзбекистондаги тинчлик ва осойишталик. Бу сайёҳларни жалб этувчи энг муҳим омиллардандир.

**Нагао КАЗУЮКИ, Тошкент ислом университетининг Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар кафедраси ўқитувчиси (Япония):**

— Мен кўп йиллар мобайнида Осиё тараққиёт банкида фаолият юритганман. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон билан ОТБ ўртасида жуда яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлисининг айнан юртингизда ўтказилиши ҳам бунинг яққол далилидир.

Ўзбекистондаги фаолиятим давомида юртингизда сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда изчил ва самарали ислоҳотлар олиб борилаётганининг гувоҳи бўлмоқдаман. Мамлакатингизда жамиятни демократлаштириш йўлида босқичма-босқич олиб борилаётган, оқилона сиёсатга асосланган янгиланишлар юксак самаралар бераётир.

Мамлакатларимиз ўртасида таълим соҳасида ҳам яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Талабаларга таълим бериш жараёнида шунга амин бўлдимки, Ўзбекистон ёшларининг интеллектуал салоҳияти жуда юқори. Бу юртингизда таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар самарасидир.

Мамлакатингизда халқ фаровонлигини янада юксалтириш йўлида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилаётир. Жумладан, жамоат транспортидан фойдаланиш учун барча қулайликлар мавжуд. Транспорт воситаларининг қулайлиги ва замонавийлиги бунга ёрқин мисолдир. Шахсан мен Тошкент метросидан фойдаланишни ёқтираман. Шунингдек, коммунал хизмат, хусусан, иссиқ ва совуқ сув ҳамда газ тизимидан фойдаланиш жуда арзон ва қулай.

Ўзбекистон, ҳақиқатдан ҳам, буюк давлат ва жуда гўзал мамлакатдир. Буни мен жуда чуқур ҳис этаман. Чунки юртингизда рўй бераётган буюк ўзгаришларни бу ерда яшайдиган кишилардан кўра хорижликлар яхшироқ сезадилар.

**Жеффри ШАФЕР, «Global bank» банкининг вице-президенти (АҚШ):**

— Дунёдаги энг нуфузли молия муассасаларидан бири бўлган Осиё тараққиёт банки кўплаб мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Ўнлаб мамлакатлардан молия соҳасида фаолият юритувчи юзлаб эксперт ва олимлар, мутахассислар, банкирлар иштирок этаётган Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлисининг юксак савияда ташкил этилганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Ўзбекистон ОТБ билан кўп йиллардан буён турли йўналишлар бўйича яқин ҳамкорлик қилиб келаётгани маълум. Мазкур мажлиснинг мамлакатингизда ўтказилиши юртингиз билан ушбу йирик молиявий ташкилот ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

**Жон КЕНН, «Microsoft» корпорациясининг минтақавий бизнесни ривожлантириш менежери (Сингапур):**

— Корпорациямиз Ўзбекистондаги бир нечта олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик қилиб келади. Олиб борган тадқиқотларим натижасида шунга амин бўлдимки, мамлакатингизда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини ривожлантириш, тармоққа илғор технологияларни жалб этиш, бу борада халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида етук кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш ишлари самараси ўлароқ, юртингизда бу борада улкан интеллектуал салоҳиятга эга ёшлар сафи кенгайиб бораётир.

**Никел Ли ХАНГ, Самоа молия вазири, Осиё тараққиёт банки бошқарувчиси (Самоа):**

— Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлиси нафақат Ўзбекистоннинг, балки дунёнинг бошқа кўплаб мамлакатлари иқтисодий салоҳияти билан ҳам танишиш, бу борада ўзаро тажриба ва ахборот алмашиш учун жуда қулай имкониятдир. Шу ўринда мазкур мажлисга пухта тайёргарлик кўрилганини алоҳида қайд этишни истардим.

Тараққиёт йўлидан дадил одимлаётган Ўзбекистоннинг барча жабҳаларда изчил ривожланиб бораётганига яна бир бор амин бўлдим. Юртингиздаги иқтисодий ривожланиш жараёнларига ҳавас қилса арзийди. Пойтахтингиздаги гўзал ва муҳташам иншоотлар, замонавий ва осмонўпар бинолар мамлакатингизнинг юксак қудрати ва салоҳиятидан далолат бериб турибди.

**Кеон Ву ЛИ, Кюнг Хи университети профессори (Жанубий Корея):**

— Осиё тараққиёт банкидаги кўп йиллик иш тажрибамдан келиб чиқиб шуни айтишим мумкинки, Ўзбекистонда банк-молия тизимида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар самарасида мамлакатингизнинг ташқи иқтисодий муносабатлари тобора мустаҳкамланиб, халқаро майдондаги обрў-эътибори муттасил юксалмоқда. Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиш стратегиясидан ўрнак олса арзигулик жиҳатлар ғоят кўп.

Мазкур анжуман мен ва ҳамкасбларимга Ўзбекистон билан яқиндан танишиш, бу ерда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурроқ ўрганиш имконини бераётганидан жуда мамнунман.

Ушбу ташрифим мен учун ҳар томонлама фойдали бўлиш баробарида юртингиз ҳақидаги тасаввуримни янада бойитишга катта ҳисса қўшди. Самарқанд шаҳрини зиёрат қилиб, ўзим учун олам-олам янгиликларни кашф қилдим. Қадимий Самарқанд, Регистон, Гўри Амир, Бибихоним, Шоҳи Зинда, Улуғбек расадхонаси каби меъморий обидалар ва муқаддас қадамжоларни кўриб, астойдил ҳайратландим.

**Брайн ШЕГАР, «Emirates NBD» банки бош менежери (БАА):**

— Бугун дунёнинг кўплаб мамлакатлари иқтисодиётида вужудга келган қатор муаммолар Ўзбекистон эркин иқтисодий бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш йўлини танлаб жуда тўғри иш тутганини, тараққиётнинг «Ўзбек модели» нақадар ҳаётий ва самарали эканини яна бир бор тасдиқлади. Мамлакатингиз истиқлолга эришганидан кейин қисқа вақт ичида барча йўналишларда жуда катта муваффақиятларга эришди. Шу ўринда Ўзбекистон банк-молия, инфраструктура, сармоя ва сайёҳлик соҳаларида улкан салоҳият ва кенг имкониятларга эга эканини таъкидлашни истардим.

Халқингиз қўлга киритаётган бундай улкан ютуқлар Президент Ислом Каримов юритаётган оқилона сиёсат самарасидир.

ОТБ саммитининг Ўзбекистонда ташкил этилиши мамлакатингизнинг халқаро нуфузи янада юксалишига хизмат қилади.

**Ҳариндер КОХЛИ, «Centennial Group Holdings» корпорацияси президенти (АҚШ):**

— Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлиси доирасида Марказий Осиё мамлакатларида глобал молиявий инқирозга қарши олиб борилган чора-тадбирлар ҳақидаги китобимнинг тақдимоти бўлиб ўтди. Қайд этиш жоизки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатида дунёнинг қарийб барча мамлакатлари оғир қийинчиликларни бошдан кечирмоқда. Шундай мураккаб шароитда глобал иқтисодий бўҳрондан деярли азият чекмаган Ўзбекистоннинг бой тажрибасини ўрганиш кўпчилик учун жуда фойдалидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг глобал иқтисодий бўҳрондан зиён кўрмагани барча соҳалар фаолиятида яққол кўзга ташланади. Жумладан, инфраструктура, қурилиш ва банк-молия тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ва қўлга киритилаётган улкан ютуқлар бунинг ёрқин намунасидир. Зеро, бу омиллар юртингиз иқтисодиётининг ҳар қандай шароитда муттасил ривожланишга қодир эканидан далолатдир.

Мамлакатингизнинг мустақиллик йилларида таниб бўлмас даражада ўзгариб кетгани — чиройига-чирой, кўркига-кўрк қўшилганини кўриб, лол қолдим. Ўзбекистоннинг тарихан қисқа давр мобайнида эришган улкан ютуқлари таҳсинга лойиқдир.

**Элла ВИСЕНТЕ хоним, мустақил маслаҳатчи — транспорт соҳаси бўйича етакчи мутахассис (Филиппин):**

— Ўзбекистон раҳбарияти томонидан кучли ижтимоий сиёсат юритиш, иқтисодиётнинг барча соҳалари, айниқса, транспорт ва транспорт коммуникациялари тизимини такомиллаштириш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётганининг гувоҳи бўлдим.

Мамлакатингизга келиб, юртингизнинг нақадар тароватли эканига яна бир бор амин бўлдим. Тошкентнинг гўзал табиати, сўлим гўшалари, замонавий иншоотлар, маҳобатли меҳмонхоналар ва дам олиш масканлари, айниқса, халқингизнинг бой маданияти — урф-одатлари, қадрият ва анъаналари мени ўзига мафтун этди. Айни пайтда шаҳар инфратузилмасини янада такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари эътиборни тортади.

Ўзбекистондаги тинчликка, осойишталик ва фаровонликка, ўзбекона эҳтиромга ҳар қанча ҳавас қилса арзийди.

**Ю Йол ЛИ, Корея банки директорининг биринчи ўринбосари (Жанубий Корея):**

— Ўзбекистон иқтисодиётининг изчил ва барқарор ривожланаётгани мамлакатда танланган тараққиёт модели ҳаётий ва самарали эканлигининг далилидир.

Мамлакатингиз сайёҳлик борасида ҳам улкан салоҳиятга эга. Юртингизда мазкур соҳа инфратузилмасининг барча тармоқларини изчил ривожлантириш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётир. Ўзбекистонда қад ростлаётган замонавий меҳмонхоналар, дам олиш масканлари тобора кўпайиб, уларда сервис хизмати тубдан яхшиланмоқда.

Ўзбекистонга икки йил аввал келгандим. Ўтган қисқа даврда Тошкент жуда ўзгариб кетибди. Буни Амир Темур хиёбонида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, кўплаб замонавий иншоотлар, жумладан, «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи мисолида кўриш мумкин.

**ЎзА материаллари асосида тайёрланди.**

*Qonun ko`magi*

**Мамлакатимизда бугунги кунда кичик бизнес субъектлари томонидан ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 50 фоизи ишлаб чиқарилмоқда. Ваҳоланки, бу кўрсаткич 2000 йилда 30 фоизни ташкил этган эди. Бундай натижа, энг аввало, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг давлатимиз томонидан доимий қўллаб-қувватланаётганлиги самарасидир.**

# Тадбиркор — қонун ҳимоясида

Президентимизнинг 2009 йил 15 майдаги **«Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарорига асосан, тадбиркорларнинг ўз ишини ташкил этиш билан боғлиқ харажатлари камайтирилди. Масалан, архитектура — режалаштириш топшириқ тўпламларини олиш қиймати тўрт баробар, лойиҳа смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш икки ярим баробар, кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш қиймати эса икки баробарга пасайтирилди.

Тадбиркорларга яратилаётган бу каби имтиёз ва шароитлардан тадбиркорларимиз қандай фойдаланаётганлиги ҳам доимий назоратда. Давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари ҳамда назорат қилувчи идоралар томонидан уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашиш, ҳуқуқларини чеклаш ҳамда тўсқинлик қилиш каби ҳолатларга йўл қўймаслик чоралари кўрилмоқда.

Сирдарё вилояти адлия бошқармасининг тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлимига келиб тушаётган ариза ва шикоятлар ҳам батафсил ўрганиб чиқилмоқда. Жумладан, Гулистон шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Миср Алигатор» хусусий фирмаси раҳбари М.Мелибоев Гулистон шаҳри ҳокимлиги томонидан савдо дўкони қуриш учун ер ажратиб берилганлигига қарамай, ушбу жойдан фуқаро М.Мирбаратовага енгил типдаги маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриш учун ер ажратиш тўғрисида ноқонуний қарор чиқарилганлигини билдириб, қонуний манфаатини тиклашни сўраб адлия бошқармасига ариза билан мурожаат қилган.

Ўрганиш давомида Гулистон шаҳри ҳокимининг ушбу масаладаги қарори ноқонуний қабул қилинганлиги аниқланиб, уни бекор қилиш тўғрисида шаҳар ҳокимлигига тақдимнома киритилди. Тақдимномага асосан ноқонуний қарор бекор қилиниб, тадбиркорнинг ҳуқуқи тикланди.



Бошқарманинг иш режасига асосан назорат қилувчи ҳамда тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи идораларда ўрганишлар ўтказилиб, қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Уларни бартараф этиш ва қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида тегишли идораларга тақдимнома, ёзма огоҳлантириш ва ҳуқуқбузарлик содир қилган мансабдор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича судларга таклифлар киритилди. Мазкур таклифлар судлар томонидан кўриб чиқилиб, 6 нафар мансабдор шахсга нисбатан суд қарорига асосан жарима жазоси қўлланилди.

Бошқарма томонидан тегишли ташкилотларга киритилган тақдимномаларга асосан 30 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилди. Шундан тўрт нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди. Шунингдек, бошқарма томонидан тадбиркорлик субъектлари манфаатини кўзлаб, вилоят хўжалик судига жами 877,5 миллион сўмлик даъво аризалари киритилди.

Масалан, Боёвут туманида фаолият кўрсатаётган «Аброр Алибеков» фермер хўжалиги раҳбари М.Алибеков «Марказий Осиё уруғчилик компанияси» шўъба корхонаси билан пахта хомашёси етказиб бериш тўғрисида тузилган контрактация шартномасига асосан етказиб берилган маҳсулот учун корхона томонидан ўз вақтида ҳақ тўламаганидан норози бўлиб, вилоят адлия бошқармасига ариза билан мурожаат қилган.

Ўрганиш натижасида «Марказий Осиё уруғчилик компанияси» шўъба корхонаси ҳисобидан «Аброр Алибеков» фермер хўжалиги фойдасига, жами 12 миллион сўмга яқин маблағни ундириш тўғрисида вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритилди. Иш судда кўрилиб, фермер хўжалиги фойдасига 8,3 миллион сўм ундириш ҳақида суднинг ҳал қилув қарори қабул қилинди.

Бир сўз билан айтганда, Президентимиз томонидан адлия идоралари олдига қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари адлия бошқармаси томонидан қонуний асосда ҳимоя қилинмоқда.

**Шодибек МАМАТОВ,**
**Сирдарё вилояти адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари**

*Fuqarolik qonunchiligi*

# Суғурта шартномаси

## у билан боғлиқ низолар қандай ҳал этилади?

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Мамлакатимизда суғурта соҳасидаги шартнома муносабатлари, юқорида таъкидланганидек, фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Суғурта шартномаси ёзма равишдаги битим бўлиб, унга кўра, суғурта ташкилоти кўзда тутилган суғурта ҳодисаси юз берганида суғурталанувчига ёки суғурта пулини олишга ҳақли бўлган бошқа шахсга етказилган зарарни қоплаш ёхуд суғурта пулини тўлаш мажбуриятини, суғурталанувчи эса белгиланган муддатда суғурта тўловларини (суғурта мукофотини) тўлаш мажбуриятини олади.



Фуқаролик кодексига мувофиқ, суғурта фуқаро ёки юридик шахс (суғурта қилдирувчи), суғурта ташкилоти (суғурталовчи) билан тузилган мулкий ёки шахсий суғурта шартномалари асосида амалга оширилади. Суғурталовчи мулкий суғурта шартномаси бўйича суғурта қилдирувчига (наф олувчига) суғурта товонини ёки шахсий суғурта шартномаси бўйича суғурта пулини тўлашни қуйидаги ҳолларда рад этишга ҳақли: суғурта шартномасининг амал қилиши суғурта ҳодисаси юз бергунга қадар, шу жумладан, Фуқаролик кодексининг 948- ва 950-моддаларида кўрсатилган асослар бўйича бекор қилинганида; суғурта шартномаси Фуқаролик кодексида ёки бошқи қонунларда назарда тутилган асослар бўйича ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаганида; суғурталовчи Фуқаролик кодексининг 951 — 954-моддаларида кўрсатилган асослар бўйича суғурта товони ёки суғурта пули тўлашдан озод қилинганида; суғурталовчи Фуқаролик кодексида ёки бошқа қонунларда назарда тутилган асослар бўйича суғурта шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида ёхуд суғурта қилдирувчи (наф олувчи) суғурта ҳодисаси ҳолатларини текшириб кўришга ёки етказилган зарар миқдорини аниқлашга тўсқинлик қилгани туфайли суғурта шартномасини бекор қилиш тўғрисида даъво қўзғатганида.

Шу ўринда бевосита мисолларга мурожаат қилсак, даъвогар А. жавобгар суғурта компаниясидан экспертиза хулосасида аниқланган 3.944.894 сўм суғурта қопламаси ва маънавий зарарни ундиришни сўраб, судга даъво аризаси берган. Фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди кассация инстанциясининг ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган суднинг ҳал қилув қарорига асосан, даъво қисман қаноатлантирилиб, даъвогар фойдасига суғурта компаниясидан 30.000 сўм моддий зарар ундирилган, даъвонинг қолган қисми рад қилинган.

Ишдаги ҳужжатларга кўра, даъвогар А. кредит шартномасига асосан тижорат банкидан 28.000.000 сўм кредит олган, олинган кредит суммаси эвазига Б. га тегишли уйни сотиб олиб, ушбу уйни кредит таъминоти сифатида гаровга қўйган. Гаровга қўйилган уй-жойнинг, суғурта компанияси билан тузилган суғурта шартномасига асосан, 15 йил муддатга суғурта пулини тўлаб, суғурта полисини олган. Мазкур суғурта шартномасининг 3.1.3-бандига кўра, куя, заракунандалар, яширин нуқсонлар, моғорлаш, ҳаводаги намлик, об-ҳаво ҳароратининг кескин ўзгариши, ер ости сувлари таъсири натижасида мол-мулкнинг зарарланиши, бузилиши ёки нобуд бўлиши натижасида юзага келган зарарлар қопланмаслиги, даъвогар эса ушбу ҳолатларга рози бўлиб шартномани имзолаганлиги аниқланган.

Қиш мавсуми қаттиқ келганлиги ва ҳаддан ташқари ёғингарчилик оқибатида суғурталанган уйнинг пойдевори чўкиши натижасида уй деворлари ёрилиб зарар етганлиги учун зарар тўланиши ҳолати тарафларнинг тузган шартномаси шартларида кўзда тутилмаганлигини инобатга олиб ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометереология маркази маълумотномасига асосан хавфли метереологик ҳодиса бўлмаганлиги сабабли суд даъвони рад этиб, тўғри қарорга келган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, мамлакатимизда қабул қилинаётган суғурта соҳасига оид қонун ҳужжатлари бозор иқтисодиётининг асосий бўғинларидан бири бўлган суғурта фаолиятини янада ривожлантиришга, суғурта хизматлари бозорининг кенгайишига, фуқаролар ва юридик шахсларнинг манфаатларини суғурта хизматлари орқали ҳимоя қилишни кучайтиришга ҳуқуқий замин яратмоқда.

**С.САТТОРОВ,**
**фуқаролик ишлари бўйича Боёвут туманлараро судининг раиси**

*Jinoyatga jazo muqarrar*

# Ҳаловат

**Бугунги кунда дунё ҳамжамияти гиёҳвандлик моддаси олди-сотдисига қарши муросасиз кураш олиб бормоқда. Бу борадаги халқаро ташкилотларнинг фаолияти эса анча аввал бошланган. Жумладан, гиёҳванд воситалар билан савдо қилишга қарши курашга бағишланган илк халқаро анжуман 1912 йил 23 январда бўлиб ўтган Гаага конференциясидир. Ушбу конференцияда бир қатор давлатлар хомашё сифатида «опиум» ишлаб чиқариш ва тарқатиш устидан ҳуқуқий назорат ўрнатиш ва уни истеъмол қилишни тақиқлаш ҳақида келишувга эришдилар.**

Шундан сўнг бу борада яна 9 га яқин халқаро ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. БМТ Бош Ассамблеяси 1981 йили гиёҳванд воситалар истеъмол қилинишига қарши кураш соҳасидаги халқаро стратегияни белгиловчи Резолюцияни қабул қилди. 1983 йилда эса Бош Ассамблея ташкилот тизимидаги махсус муассасалар ва идораларга ўз соҳалари бўйича гиёҳванд воситалар устидан назорат қилиш дастурини ишлаб чиқиш ва тадбирлар ўтказиш вазифасини юклади.

1988 йили Вена шаҳрида **«Гиёҳванд воситалар ва психотроп моддалар билан ғайриқонуний муомала қилишга қарши кураш тўғрисида»**ги Конвенция қабул қилиниб, мазкур халқаро ҳужжат 1990 йил 11 ноябрдан эътиборан кучга кирди. Ушбу Конвенцияда гиёҳвандлик воситаларини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сотиш, шунингдек, кўкнори, кокаин баргларини, каннабис ўсимлигини гиёҳванд воситалар тайёрлаш мақсадида ўстириш ҳамда гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ бўлган бошқа қилмишлар жиноят ҳисобланиши қайд этилди. Шунингдек, Конвенцияда бундай жиноят содир қилган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш ёки турмага қамаш каби оғир жазо чораларини тайинлаш, гиёҳвандликка мубтало бўлган шахсларни даволаш, қайта тарбиялаш, уларнинг меҳнат қилиш қобилиятини тиклаш чораларини кўриш тавсия қилинди.

Мамлакатимизда ҳам ушбу жиноятнинг олдини олиш, унинг оқибатларини бартараф этиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, амалдаги Жиноят кодексида гиёҳванд воситалар ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Шунингдек, 1999 йил 19 августда «Гиёҳванд воситалар, психотроп моддалар, прекурсорлар ва улар билан муомала қилиш, уларни суиистеъмол қилишларига қарши кураш чоралари тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонун асосида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар республикамиз ҳудуди орқали бошқа давлатларга гиёҳвандлик воситалари ўтказишга уринган жиноятчиларни қўлга олиб, судлар томонидан бундай жиноятчиларга адолатли жазо чоралари тайинланиб келинмоқда.

*9-may — Xotira va qadrlash kuni*

# Хотира абадий, қадр муқаддас



(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Ана шундай фаровон ҳаётимиз бардавом бўлсин дея ҳар йили Хотира ва қадрлаш кунини хайрли амаллар билан нишонлаймиз. Бундай тадбирлар юртимизнинг барча ҳудудларида кўтаринки руҳда ўтади. Бундан кўзланган мақсад кекса авлод вакилларига алоҳида эҳтиром ва ғамхўрлик кўрсатиш, ёшларимизни миллий қадриятларга ҳурмат, она Ватанга садоқат руҳида камол топтиришдир.

— Сурхондарё вилоятида бугунги кунда 660 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси истиқомат қилмоқда, — дейди «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раисининг ўринбосари Раим Қулмонов. — Табаррук отахон ва онахонларни эъзозлаш, моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш — савобли иш.

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда кекса авлод вакилларига алоҳида эҳтиром ва ғамхўрлик кўрсатилаётгани ёшларимизнинг миллий қадриятларга ҳурмат, она Ватанга садоқат руҳида камол топишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг жасоратга йўғрилган ҳаёт йўли, кўплаб фахрийларимизнинг фидокорона меҳнати ёш авлод учун ибрат мактаби бўлиб хизмат қилаётир.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 24 мартда қабул қилинган «Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 65 йиллиги нишонланиши муносабати билан 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронларини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармони нуронийларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

Мазкур ҳужжат ижроси доирасида вилоятда қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Шу йилнинг ўтган даврида 150 нафарга яқин Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва ногиронларига моддий ёрдам кўрсатилди, улар учун Бухоро, Хива, Тошкент ва Самарқанд шаҳарларига саёҳат уюштирилди. Термиз Давлат университети қошидаги 42 гуруҳга бириктирилган 400 нафардан ортиқ талаба уруш ва меҳнат фахрийларининг ҳолидан хабар олиб, уй ишларига кўмаклашмоқда. Худди шундай гуруҳлар туманлардаги коллеж, академик лицей ва мактабларда ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Вилоятда Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб мактаблар, лицей ва касб-ҳунар коллежлари, маданият уйлари ва кутубхоналарда уруш ва меҳнат фахрийлари ҳақида ҳикоя қилувчи кўргазмалар ташкил этилди. Туманларда «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари фаолларидан ташкил топган тарғибот гуруҳлари ёш авлод вакиллари билан учрашувлар ўтказишяпти.

Узун туманидаги «Янгирўзғор» маҳалла фуқаролар йиғинидаги 4-мактабда, маиший хизмат касб-ҳунар коллежида ташкил этилган ана шундай учрашувлар ёшларда катта таассурот қолдирди.

— Бундай тадбирлар ёш авлодни тинч ва осойишта ҳаётни қадрлашга ўргатади, — дейди Узун тумани халқ таълими бўлими мудири Ибодулла Хўжаев. — Туманимиздаги 62 мактабда фаол ўқувчилар гуруҳлари ташкил этилган бўлиб, улар бугунги дориломон кунлар учун курашган уруш фахрийларининг ҳолидан мунтазам хабар олиб турибди.

Кексалари эъзозланган юртда тинчлик бўлади, ундан файзу барака аримайди. Зеро, шукроналик билан яшамоқ олий неъмат, улуғ саодатдир.

**Баҳор ХИДИРОВА,**
**журналист**

**Аллоҳ таоло инсонни бу дунёда азиз-мукаррам қилди. Унга ақл, илм каби тенгсиз неъматлар берди. Ҳаётда яхшиликлар қилиб ўтган инсонларнинг хотираси азиздир, биз учун ибрат манбаидир.**

**Мана, бир неча йилдирки, мустақил Ўзбекистонимизда 9 май Хотира ва қадрлаш куни сифатида кенг нишонланмоқда. Бу кун нафақат жанг майдонларида Ватан фидойиси бўлганларни хотирлаш, балки эл-юрт равнақи йўлида ҳалол меҳнат қилиб табаррук ёшга етган оталаримиз ва оналаримизга ҳам чексиз ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш айёмидир. Шунингдек, она Ватанимизнинг тараққиётига муносиб ҳисса қўшган барча фахрийларимизни эъзозлаш, қадрлаш байрамидир.**

# Яхшилар ёди ҳамроҳимиз бўлсин!

Президентимизнинг мана шундай пурмаъно сўзлари бор: **«Хотира нафақат ўтмишни унутмаслик, балки бугунги ҳаётимизнинг қадрига етиш, эртанги кунни тўғри тасаввур этиш демакдир. Хотира инсонни келажакка очиқ кўз билан қарашга ўргатади. Шу боис, бугунги ёшлар оталаримизнинг юртимиз эрки ва озодлиги, миллатимиз равнақи йўлида чеккан заҳматлари, кўрсатган жасоратларини унутмаслиги даркор. Қадрлаш эса, хонадонларимизга файз-барака бағишлаб, қилаётган эзгу ишларимизга оқ фотиҳа тилаб ўтирган қарияларимизнинг ҳурматини жойига қўйишдир. Зеро, мўътабар отахон ва онахонларимизни ҳаётлигида қадрлаш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир».**

Шундай экан, ўтган аждодларимизни ҳамиша хотирлаб, бизларга қолдириб кетган бой маданий-маърифий меросларини ўрганиб, уларни ҳозирги ҳаётимизга татбиқ этишимиз керак.

Яхши инсонларнинг қилган ҳар бир хайрли иши кўпчилик қалбида нур ёқади. Бу нур қалбларни ғуборлардан тозалайди, ёруғлик оламига олиб чиқади.

Юртбошимиз ташаббуслари билан мустақиллик йиллари, айниқса, диёримиздан етишиб чиққан улуғ алломалар, валий зотларнинг табаррук зиёратгоҳларини таъмирлаш, ободонлаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилгани ҳаммамизга яхши маълум. Тошкентда Ҳазрат Имом, Самарқандда Имом Бухорий, Термизда Имом Термизий, Бухорода Баҳоуддин Нақшбанд мажмуалари каби йирик тарихий-замонавий иншоотлар барпо этилди. Улуғ аждодларимиз руҳи қўним топган жуда кўплаб бундай табаррук масканлар таъмирланди, обод қилинди. Улар кўркам зиёратгоҳлар сифатида қайтадан қад ростлади. Ҳозирги кунда бундай масканлар халқимиз, хорижлик меҳмонлар ҳурмат-эҳтиром билан зиёрат қиладиган, маънавий озиқ оладиган гўзал тарихий-меъморий қадамжоларга айланган. Шунингдек, улуғ алломаларимизнинг илмий-адабий меросини ўрганиш, жаҳон илм-фани ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилган буюк асарларни тадқиқ этиб, халқимизга етказиш борасида ҳам жуда катта хайрли ишлар бажарилди. Имом Бухорийнинг «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ» (Ишончли тўплам), Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ал-Ҳидоя» каби дунёга машҳур асарлар таржимаси ва нашрини эслашнинг ўзи кифоя.

Ўтганларни яхшилик билан ёдга олиш, улар қилган яхши ишлардан ибратланиш бугунги авлод учун бениҳоя хайрлидир. Айни баркамол авлодни тарбиялашдек эзгу мақсад йўлидаги ишларимизда Хотира ва қадрлаш куни ўта муҳим ўрин тутади. Эл-юртимизни, хонадонларимизни тинчлик-хотиржамлик, кўнгилларимизни меҳр-муҳаббат тарк этмасин. Яхшилар ёди ҳамиша ҳамроҳимиз бўлсин!

**Ҳожи Абдураззоқ ЮНУСОВ,**
**Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг ўринбосари**





*Bag'rikenglik tamoyillari*

# Шартли ҳукм

## бундан кўзланган мақсад шахсни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялашдир

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Адолатпарварлик, инсонпарварлик, халқимизга хос бўлган бағрикенгликни ўзида жамлаган қонунчилигимиздаги шартли ҳукм жазоси айбдорнинг келгусида тўғри йўлга тушиб олиши учун унга берилган катта имкониятдир. Чунки хато қилган шахс айбини тан олиб, чин кўнгилдан пушаймонлик билдирса, ўзига берилган имкониятни тўғри англаб, ишончни оқласа, бу фақатгина ўзига фойда. Шартли ҳукмдан кўзда тутилган мақсад — шахсни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялашдан иборатдир.

...Ўша куни Дилдора уй юмушлари билан банд эди. Дарвоза томондан ўғли Фарҳоднинг йиғлаган овози эшитилди. Дилдора шошиб ўғлига пешвоз чиқди. Сўнг гап нимада эканлигини тўлиқ англамасдан, ўғлини юпатиш ўрнига, уни урган болани жазолаш учун отланди. У қўшнисининг Фарҳод тенги ўғли Шерзодни ушлаб олиб, қулоғидан буради. Сўнг елкасига муштлаб, ерга йиқитди. Шунгаям қаноат қилмаган Д.Комилова болани уриб-тепкилаб, ўртача оғирликдаги тан жароҳати етказди.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги **«Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»**ги қарорининг 3-бандида **«Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак»** деб кўрсатилган. Суд судланувчи Д.Комиловага нисбатан жазо тайинлашда Пленум қарори талабидан келиб чиқди. Жиноятнинг вояга етмаган шахсга нисбатан содир қилинганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисоблади. Судланувчига нисбатан қонун санкцияси доирасида жазо тайинлашни, унинг оилавий аҳволини, қарамоғида икки нафар вояга етмаган фарзанди борлигини эътиборга олди. Д.Комиловани жазони ўтамасдан туриб ҳам, унинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин деган хулосага келди.

Суд судланувчи Д.Комиловани Жиноят кодексининг 105-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир қилганликда айблаб, унга шу модда билан икки йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлади. Жиноят кодексининг 72-моддасини қўллаб шартли ҳукм чиқарди ва бир йил синов муддати тайинлади. Туман ички ишлар бўлимига эса, ҳукм ижросини назорат қилиш топширилди.

Қисқаси, қонунларимизнинг инсонпарварлик тамойиллари асосига яратилганлиги бир аёлга ўзининг феъл-атворини тузатиб олишга имконият берди. Шунинг билан бирга унга ишонч билдирилди. Ишончни оқлаш эса, албатта, ҳар кимнинг ўзига боғлиқ.

**Азимжон ҲАФИЗОВ,**
**жиноят ишлари бўйича Қизилтепа тумани судининг раиси**

*Huquqiy savodxonlik sari*

# Мулк ҳуқуқи

## унинг қонунчиликдаги айрим жиҳатлари

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Мисол учун Самарқанд шаҳар 3-сон давлат нотариал идораси орқали 2009 йилнинг олти ойи давомида шахсий уй-жой қуриш учун ер майдони бериш шартномалари 21 тани ташкил қилган бўлса, уй-жойларни, хонадонларни бошқага ўтказиш, яъни 49 та олди-сотди ва 17 та ҳадя шартномаларини расмийлаштириш бўйича нотариал ҳаракатлар амалга оширилди.



Уй-жойни (унинг бир қисмини), квартирани бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битимларни шу мол-мулк жойлашган ҳудуддаги нотариал идора тасдиқлайди. Уй-жой ва хонадонларни тассарруфдан чиқариш шартномаларини расмийлаштириш мана шу тартибда амалга оширилади. Бундай тартибда расмийлаштирилган шартномалар қонуний ҳисобланиб, фуқароларнинг мулкка бўлган эгалик ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, мулк ҳуқуқи доимо қонун ҳимоясида бўлиб, фуқароларнинг бу борадаги ҳуқуқларига ҳеч ким дахл қилолмайди.

**Пирмамат БОБОМУРОДОВ,**
**Самарқанд шаҳридаги 3-сон давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси**

*Muloqot*

# Газетхон савол беради...

*— Айтинг-чи, тураржойни ижарага бериш шартномаси қанча муддатга тузилади?*



***Ф.КАЛОНОВ,***
***Зарафшон шаҳри***

— Уй-жой кодексининг 36-моддасига мувофиқ, муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги тураржойни ижарага бериш шартномаси беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга тузилади. Агар шартномада муддат кўрсатилмаган бўлса, у беш йилга тузилган деб ҳисобланади.

Бир йилгача муддатга тузилган тураржойни ижарага бериш (қисқа муддатли ижара) шартномасига нисбатан Фуқаролик кодекси қоидалари қўлланилади.

Янги муддатга шартнома тузишда ижарага олувчи имтиёзли ҳуқуққа эга бўлади.

Ижарага берувчи томонидан эътироз бўлмаган тақдирда, ижарага олувчи шартнома муддати тугаганидан сўнг ҳам тураржойдан фойдаланишни давом эттирса, шартнома аввалги шартларда қайта тузилган деб ҳисобланади.

Давлат уй-жой фондидан ижарага берувчи, агар тураржойни ижарага бермасликка қарор қилган бўлса, бу ҳақда ижарага олувчини камида бир йил олдин хабардор этиб, янги муддатга шартнома тузишдан воз кечиши мумкин (аниқ мақсадли коммунал уй-жой фонди бундан мустасно).

# — ҳалолликда

Яқинда ҳалол меҳнат қилишдан қочиб, нопок йўл билан бойлик орттирмоқчи бўлган бир гуруҳ кимсаларнинг оғуфурушликдек қабиҳ жиноятига чек қўйилди.



...Ўтган йилнинг ёз фасли эди. Қаҳрамон Қодиров (айрим сабабларга кўра, исм-шарифлар ўзгартирилди) ошнасининг тўйига борди. Дастурхон атрофида у тўрткўллик Анвар билан танишиб қолди. Кайфи ошиб қолган Анвар Қаҳрамонни ўзига яқин олдими, «сир»ларидан воқиф қила бошлади.

У ўзининг ишлари «беш»лигини, гиёҳвандлик воситалари савдоси билан шуғулланишини айтиб мақтанди. Сўнг «Мана, танишдик, ишончли одам экансиз, агар хоҳласангиз, сизга ҳам доридан топиб бераман», — деб қўшиб қўйди Анвар гапининг охирида.

Хуллас, шу куни Анвар яна бир «мижоз» топганига шубҳа қилмай, Қаҳрамон билан хайрлашди. Орадан бироз вақт ўтди. Улар гоҳ телефон орқали, гоҳида эса учрашиб, ҳол-аҳвол сўрашиб туришди. Аввалига янги «ҳамкор»ининг гап-сўзларини синчковлик билан эшитаётган Анвар бора-бора ундан шубҳаланмай қўйди.

Ишонч қозонганига амин бўлган Қаҳрамон эса, ниҳоят асл мақсади — бир жиноятчининг қилмишлари ҳақида ички ишлар бўлимига мурожаат қилди. Тезкор гуруҳ ходимлари ишга киришишди. Режага мувофиқ, Анварга қўнғироқ қилган Қаҳрамон ўзига героин гиёҳвандлик моддаси зарур бўлиб қолганини айтди. Анвар шу куниёқ таниши Асқарнинг хонадонига бориб, ундан героин гиёҳвандлик моддасини олди. Эртаси куни шериги Шуҳрат билан бирга Элликқалъа туманига жўнади. Шу ерда Қаҳрамон билан кўришган жиноятчилар гувоҳлар иштирокида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан қўлга олинди...

Суд жиноятчиларнинг қилмишларига ҳуқуқий баҳо бериб, уларга қонунга биноан жазо тайинлади.

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: ҳаётнинг оғир-енгилини бошидан кечирган, оилали, бола-чақали бу кимсаларни жиноят содир этишга нима мажбур қилди? Ахир, ҳаётда инсоннинг хотиржам, осойишта яшаши энг катта неъмат-ку?! Жиноятга қўл урган, бировнинг тинчлигига путур етказган, ўзгаларнинг ҳақига хиёнат қилган кимсалар эса ҳаловат нималигини билишмайди. Донишмандларнинг таъкидлашларича, ҳаётнинг ўзи энг катта сабоқ экан. Бинобарин, юқорида номлари келтирилган кимсалар ҳам ўзларининг қилмишларидан тўғри хулоса чиқаришса, бу нафақат уларнинг ўзлари, балки оиласи, яқинлари учун ҳам айни муддао бўлади.

**Сайлов МАМБЕТКАДИРОВ,**
**жиноят ишлари бўйича Элликқалъа тумани судининг раиси**

*Qilmish-qidirmish*

# Қонун талаби — энг тўғри йўл

## ундан четга чиқиш хайрли бўлмайди

**Ҳалоллик инсоний фазилатлар орасида энг афзалидир. Чунки ҳалол инсон бировнинг ҳақига ҳеч қачон кўз олайтирмайди.**

Афсуски, ҳаётда белини оғритмай пул топишни истайдиган, мудом оғирнинг устидан, енгилнинг остидан юрадиган кимсалар ҳам йўқ эмас. Бундай кимсалар ўзганинг ҳалол меҳнати эвазига топган мол-мулкини ўзлаштириб олишдан ҳам асло тап тортмайди. Яхшимурод Толибов билан Равшан Тожибоевни ҳам ана шундай кимсалар тоифасига қўшсак, асло хато бўлмайди. Чунки бу икковлон ҳам ўзгаларни «чув» тушириб, бойлик орттиришни кўзлашган эди.

Уларнинг тузоғига биринчи бўлиб янгибозорлик С.Қорахонов илинди. Унга Яхшимурод билан Равшан фермер хўжалиги ташкил этиб беришга «ваъда» қилишди. Фақат бўлажак фермер бу ишларнинг озгина харажатидан қочмаса, бас. С.Қорахонов ниятига етиш учун уларнинг шартига рози бўлди. Шундай қилиб, 500 минг сўм фирибгарлар чўнтагига тушди. Кўп ўтмай «ҳожатбарор»лар айрим ҳужжатларни тўғрилаш баҳонасида С.Қорахоновдан яна 750 килограмм буғдой ҳам ундиришди.

**(Давоми тўртинчи бетда)**

*Huquq va burch*

**Ҳар бир ота-она фарзандининг камолини кўришни истайди. Унинг келажакда яхши инсон бўлиб вояга етиши учун ҳаракат қилади. Болани асраб-авайлаш билан бирга унга тўғри тарбия бериш, касб-ҳунар ўргатиш жуда муҳимдир. Аммо ҳаёт доимо биз ўйлаганчалик силлиқ кечмайди. Баъзида кутилмаган тасодифлар, нохуш ҳодисалар ҳам учраб туради.**

# Бола тарбияси ва келажаги

## бунга аввало унинг ота-онаси масъул

Сирожиддин ҳам Малоҳатга уйланганида қанчадан-қанча яхши ниятларни дилига туккан эди. Орадан бир йил ўтиб, улар фарзандли бўлишди. Унга Хуршид деб исм қўйишди. Таассуфки, орадан кўп ўтмай, Малоҳат оғир хасталикдан вафот этди.

Қизининг ўлимидан сўнг Норхол опа икки ёшли набираси Хуршидни уйига олиб кетди. Аввалига бола момосининг бағрида бўлгани маъқул, деб ўйлаган Сирожиддин, қайнонасининг нияти бошқа эканини билгач, ҳайрон бўлиб қолди. Шундай бўлса-да, у Норхол опага вазиятни обдон тушунтириб, фарзанди ўзининг тарбиясида бўлиши кераклигини бир неча бор таъкидлади. Қайнонаси ҳадеганда инсофга келавермагач, бу низоли ишга маҳалла кайвонилари аралашишди. Афсуски, барча уринишлар зое кетди.

Энг ёмони, Сирожиддинлар оиласи Норхол опалар билан қарши қуда бўлишган, яъни Сирожиддиннинг синглиси Норхол опанинг ўғлига тушган эди. Қудаларнинг набира устида бўлаётган гап-сўзлари ўртага аста-секин совуқчилик сола бошлади. Ўзаро тушунмовчилик, муросасизлик шу даражага бориб етдики, оқибатда бир ёш оила бузилиб кетадиган бўлди. Қудаларни ҳатто фарзандлар тақдири ҳам заррача қизиқтирмади.

Қисқаси, қудалар орасидаги зиддиятлар чигаллашиб, охири иш судга келиб тақалди. Суд томонларнинг, шунингдек, Қумқўрғон тумани васийлик ва ҳомийлик идораси хулосасини ҳамда маҳалла фуқаролар йиғини вакилларининг фикрларини атрофлича муҳокама қилиб, мазкур низоли ишга ҳуқуқий баҳо берди.

Олий Суд Пленумининг **«Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал этишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти»** тўғрисидаги қарорининг 5-бандида **«Оила кодексининг 73-моддасига мувофиқ, ота-оналар бошқа шахслар олдида болаларини шахсан тарбия қилишда устун ҳуқуққа эгадирлар ва болаларини қонунга асосланмаган ҳолда ушлаб турган ҳар қандай шахсдан қайтарилишини талаб қилишга ҳақлидирлар»**, деб кўрсатилган.

Шунга кўра, суд фуқаро Норхол Зикированинг набираси Хуршидни ўзида қолдириш учун келтирган важлари асоссиз эканлиги боис болани отаси, фуқаро Сирожиддин Холбоев тарбиясига олиб бериш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди.

Алалхусус, болани отасидан ажратиш мақсадида йиллаб давом этган ўринсиз дилхираликлар суднинг аралашуви билан барҳам топди.

**Сора ИСЛОМОВА,**
**фуқаролик ишлари бўйича**
**Қумқўрғон туманлараро судининг судьяси**
**Абдунаби БОБОЁРОВ,**
**«Куч — адолатда» мухбири**

*Mulohaza*

# Эзгуликнинг илк сабоғи

## бола қалбига алла орқали киради

**Одам боласининг гўдакликдан етуклик сари ҳар бир босган қадамида онанинг ўрни беқиёсдир. Она ўз фарзандининг маънавий жиҳатдан ўсишида ҳам катта ўрин тутади. Бу борада, айниқса, алланинг аҳамияти беқиёс бўлиб, бу билан гўдакнинг онгшуурига эзгулик, гўзаллик, меҳр-оқибат каби туйғулар сингийди...**



Аслида алланинг бола камолотига кўрсатадиган таъсири бундан минг йиллар аввал ҳам маълум бўлган. Чунончи, буюк аллома бобомиз Абу Али ибн Сино аллага шундай таъриф беради: **«Гўдакнинг танасини чиниқтириш учун икки нарса зарур: бири аста уни қимирлатиб тебратиш, иккинчиси она қўшиғи — алладир. Биринчиси боланинг танасига зарур, иккинчиси руҳий озиқ бўлади»**.

Аждодларимизнинг маънавий қадриятларни эъзозлаши ва асраб-авайлаб авлодларга етказишга ҳаракат қилишгани бежиз эмас. Маънавий қадриятлар миллатнинг юксалиши, ўзлигини англашида муҳим омилдир. Миллатнинг маънавий мероси — урф-одатлари, эртагу қўшиқлари, аллаю достонлари инсоннинг камолга етиши учун зарурий шартлардир. Чунки алла эшитиб, эртак, достон тинглаб, ўз халқининг ўтмишидан бохабар бўлган инсон бошқа халқларнинг маънавий қадриятларига ҳам бефарқ қарамайди.

Алла — оналарнинг муқаддас қўшиғи. Алла — оналарнинг фарзандига толе тилаши, эзгуликнинг боқийлиги, ёмонликнинг умри қисқалигидан берган сабоғи. Она алла айтаркан, фарзандини тарбиялай бошлайди. Зеро, онасининг меҳр-муҳаббатга, эзгуликка тўлиқ алласини тинглаб улғайган бола ҳеч қачон одамийликка хилоф иш тутмайди.

Халқимизнинг ўлмас маънавий қадрияти бўлган алла узоқ тарих давомида турлича муносабатларга дуч келган. Жумладан, собиқ шўро тузуми даврида ўтмиш билан боғлиқ ҳар қандай урф-одат, қадрият, байрамлар тақиққа учрагани сингари аллага ҳам «эскилик сарқити» сифатида қаралди.

Юртимиз мустақилликка эришгач, миллатимизнинг собиқ тузум даврида қадрсизланган қадриятларига катта эътибор қаратила бошланди. «Ўтмишсиз келажак йўқ» деган ҳикматли тамойил ҳар бир ишимизда устувор аҳамият касб этди. Миллий байрамларимиз, урф-одатларимиз, қадриятларимизни тиклаш, уларнинг миллат маънавиятидаги ўрнини эътироф этиш, бу борадаги саъй-ҳаракатларни рағбатлантириш, қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Жумладан, фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш идоралари қошида ташкил этилган «Оила дорилфунунлари»нинг асосий фаолияти ҳам оиланинг жамият тараққиётида тутган ўрнини тарғиб этишдан иборатдир.

Бўлимимиз «Оила дорулфунуни» ҳам кўп йиллардан буён фаолият юритиб келади. Мунтазам олиб борилаётган машғулотларда бола тарбиясида маънавий қадриятлар, жумладан, она алласининг ўрни ҳақида батафсил фикр юритилади. Машғулотларимиз тингловчиларининг сони кўпаяётганлиги ҳам мавзуларнинг ҳаётийлиги, ранг-баранглиги ва қизиқарли эканлигидан далолат беради.

Шунингдек, туман аҳолиси ўртасида олиб борилаётган «Оила — муқаддас даргоҳ», «Келажак — оиладан бошланади», «Гиёҳвандлик — иллат», «Бу йўлда хато қилма!» каби тадбирлардан кўзланган асосий мақсад ҳам оиланинг муқаддаслиги, тарбиянинг инсон ҳаётида муҳим ўрин тутиши, бу борада, айниқса, ота-оналарнинг алоҳида бурч ва масъулияти борлигини таъкидлашдан, тушунтиришдан иборатдир.

Сўзимизни алла ҳақидаги фикрлар билан бошлаган эдик, сўнгида ҳам ушбу гўзал қўшиқ тўғрисида сўзласак.

Алла — ҳаёт қўшиғи. Алла — оламолам орзу, қувонч ва шодлик, бахт ва сурур тароналари. Токи ҳаётимиз тинч, осойишта, оналаримиз бахтиёр экан, бу қўшиқ баралла янграйверади.

**Раъно ШОЙМУРАТОВА,**
**Сурхондарё вилояти**
**Қумқўрғон тумани ФҲДЁ**
**бўлими мудираси**

*Hikmat*

## ДОНОЛАР ДЕЙДИЛАРКИ...

*Жасоратли бўл, журъатсиз, қўрқоқ бўлмагин, чунки жасорат қалб оромидир.*

* * *

*Одамларни жисмоний қувват ҳам, пул ҳам эмас, балки ҳақгўйлик ва серқирра билим бахтиёр қилади.*

* * *

*Бу дунёда нима адолатли эканини тушуниш, гўзалликни ҳис этиш, фақат яхшиликни раво кўриш — оқилона йўл-йўриқ мана шудир.*

* * *

*Сўзлаганинг кумуш бўлса, жим турганинг олтиндир.*

* * *

*Ҳар қандай сир ичимизда сақлар эканмиз, у бизнинг асиримиздир. Уни ошкор этган пайтимиздан бошлаб биз унинг асирига айланамиз.*

*Maslahat*

# Гаров

## унинг вужудга келиш асослари ва турлари

Амалдаги Фуқаролик кодексида гаров тушунчасига шундай таъриф берилган: «Бир шахснинг бошқа шахсга мол-мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни, мажбуриятларни таъминлаш учун бериши гаров ҳисобланади».

Гаровнинг закалат, ипотека, шунингдек, ҳуқуқлар гарови каби турлари бор. Мулк гаровга қўювчи томонидан гаровга олувчига ўтказилса — закалат, кўчмас мулк гаровга қўйилса, ипотека ҳисобланади.

Қарздорнинг ўзи ҳам, учинчи шахс ҳам гаровга қўювчи бўлиши мумкин. Башарти, қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, мулкдорнинг розилигисиз ашёвий ҳуқуқни гаровга қўйишга рухсат берилмайди.

Ҳар қандай мол-мулк, шу жумладан, ашёлар ва мулкий ҳуқуқлар (талаблар) гаров нарсаси бўлиши мумкин. Муомаладан чиқарилган мол-мулк, гаровга олувчининг шахси билан узвий боғлиқ бўлган талабномалар, хусусий ва соғлиғига етказилган зарарни қоплаш ва алиментлар тўғрисидаги талаблар ҳамда бошқа шахсга берилиши қонун билан ман этилган талаблар бундан мустаснодир.

Агар шартномада ўзгача тартиб назарда тутилмаган бўлса, гаровга қўйилган мол-мулк гаровга қўювчида қолади. Гаровга олувчи гаров нарсасини қулфланган ва муҳрланган ҳолда гаровга қўювчида қолдириши мумкин. Гаров ҳуқуқи гаров тўғрисидаги шартнома тузилган пайтдан ёхуд агар шартнома нотариал тасдиқланиши шарт бўлса, нотариал тасдиқланган пайтдан, шартнома рўйхатдан ўтказилиши шарт бўлганида эса, у рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади. Башарти, гаров нарсаси қонунга ёки шартномага асосан гаровга қўювчида туриши керак бўлса, унга гаров нарсаси берилган пайтда, агар бундай топшириш шартнома тузилишидан олдин амалга ошган бўлса, шартнома тузилган пайтдан бошлаб гаров ҳуқуқи вужудга келади.

Гаров тўғрисидаги шартномада гаров нарсаси ва унинг баҳоси, моҳияти, миқдори ва гаров билан таъминланадиган мажбуриятнинг бажарилиш муддати кўрсатилган бўлиши керак. Шартномада гаровга қўйилган мол-мулк тарафларнинг қайси бирида эканлиги ҳам кўрсатилиши, шартнома ёзма шаклда тузилиши шарт. Ипотека гаров шартномаси тегишли мол-мулк олди-сотдиси ҳақидаги битимларни рўйхатдан ўтказиш тартибида рўйхатдан ўтказилиши керак.

**Гулнора ҚОСНАЗАРОВА,**
**фуқаролик ишлари бўйича**
**Қўнғирот туманлараро**
**судининг раиси**

*Tafakkur gulshani*

Маҳмуд САТТОР

# Нега шундай деймиз?

**(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда)**

***Яхши ният — ярим давлат.*** Ота-боболаримиз ҳамиша ниятни, тилакни яхши қилиш, эзгу мақсад билан ҳаракатда бўлишни таъкидлаб келишган. «Яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам фаришталар омин дейди», деган ақида билан доимо кўнгилда пок ният қилиш, тилда яхши гап айтишни уқтиришган. Бу мақолни айтиш билан: инсон ютуққа эришишни орзу қилса, аввало, ниятини пок, холис қилсин. Пок ният ярим давлат саналади. Қолгани ҳалол меҳнат, ақл-идрок, тадбиркорликка боғлиқ. Инсон яхши ният билан ҳалол меҳнат қилса, орзуларига етади, деган эзгу фикрни илгари суришади.

Муқобиллари: «Орзуга айб йўқ», «Ноумид шайтон».

***Яхшилик қилсанг — яшир, яхшилик кўрсанг — ошир.*** Бу мақол бировга яхшилик қилсанг, юракдан чиқариб, холис ниятда қил, бировларга айтиб мақтанма. Ҳимматингни миннат қилиб, у одамнинг ўзига гапирсанг, бошқаларга билдирсанг, савоби кетиб қолади, деган маънода айтилади. Мақолнинг иккинчи ярми эса, инсонни ўзгалардан кўрган яхшилигини қадрлашга, ҳеч қачон унутмасликка чақиради. Бировдан яхшилик кўрсанг, ибрат учун айтиб юр, майли, сал мақтаб, ошириб айт, эшитганлар ҳам яхшилик қилишга интилишсин, демоқчи бўладилар.

Муқобили: «Берганингни озга сана, олганингни кўпга сана».

*Qilmish-qidirmish*

# Қонун талаби — энг тўғри йўл

## ундан четга чиқиш хайрли бўлмайди



**(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)**

Режанинг силлиқ кечаётганидан қувонган Яхшимурод билан Равшан «фаолият»ни янада кенгайтиришга уринишди. Натижада урганчлик Т.Жуманиёзованинг 4.200.000 сўм пули ҳам уларнинг биргаликдаги «хазина»сига тушди. Димоғи чоғ бўлган фирибгарлар ҳар хил макр-ҳийла усулларини ўйлаб топишди. Кейинги ўлжа учун узоққа боришнинг ҳожати қолмади. Равшаннинг қариндоши, Яхшимуродга эса қўшни бўлган О.Жуманиёзов уларнинг «нишон»ига айланди. Фирибгарлар О.Жуманиёзовнинг фермер хўжалиги ҳисобида бўлган икки гектар еридан фойдаланиш эвазига тадбиркорнинг талай юмушларини гарданига олишди. Яъни яқин таниш-билишлар орқали фермернинг ишларини «беш» қилиш тўғрисида қоп-қоп ваъдалар беришди. Қизиғи шундаки, фермер фирибгарларга шу даражада ишонганидан хўжаликнинг муҳр ва штампини ҳам бериб юборди. Афсуски, О.Жуманиёзов адашган эди. Ишончини поймол қилган фирибгарлар уни ердан ҳам, ҳосилдан ҳам қуруқ қолдиришди.

Алданганини сезган О.Жуманиёзов ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга мурожаат қилди. Я.Толибов ва Р.Тожибоевдан жабр кўрган бошқа фуқаролар ҳам шикоят қилишган эди. Судда барча ҳолатлар батафсил ўрганиб чиқилди ва фирибгарларга қилмишларига яраша жазо тайинланди.

Таассуфки, бировнинг нонини туя қилишдан уялмайдиган кимса фақатгина Яхшимурод билан Равшан эмас. Уларнинг нораво йўлини танлаган хонқалик Бектурдининг қилмишлари ҳам охир-оқибат ошкор бўлди. Аслида Бектурди муқаддам судланиб улгурган эди. Минг афсуски, у бундан тўғри хулоса чиқармади. У Б.Шариповнинг «VOLVO» машинасини қашқадарёлик Қаҳрамон Худоёров сотиб олганини эшитиб, машина ҳужжатларини устомонлик билан сохталаштирди. Оқибатда машина гўёки унга тегишли бўлиб қолди. Қ.Худоёровни машина ўзиники эканига ишонтирган Бектурди харидордан дастлаб 200.000 сўм, кейинчалик яна 270.000 сўм ундирди. Бироқ тез орада буларнинг бари фирибгарнинг макри экани маълум бўлди. Шу тариқа чучварани хом санаган фирибгарнинг ноқонуний қилмишларига чек қўйилди. Фирибгарларнинг ҳийлаларига ишонган фуқароларга ҳам бу воқеалар сабоқ бўлган бўлса, ажаб эмас.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, пул, мол-мулк билан боғлиқ муносабатларда қонун талабидан заррача чекинишнинг оқибати хайрли бўлмайди. Бу ҳақиқатни ҳар биримиз ўз ҳаётимизга татбиқ этсак, шубҳасиз, фирибгарларнинг пайи қирқилади.

**Акбар АМИНОВ,**
**ҳуқуқшунос**

**Ўтган йилнинг қиш ойлари эди. Зариф таниш қизни уйига кузатиб келаркан, кўчада мастлигидан зўрға оёқда турган О. Утемуратовга кўзи тушиб қолди. Умрида бировга беминнат ёрдам қилмаган Зарифнинг кутилмаганда «олижаноблиги» тутиб, ўша йигитга «яхшилик» қилмоқчилигини қизга айтди. Зариф қиз билан хайрлашди ва аста-секин йигитга яқин келди. Сўнгра мулойимлик билан унга ёрдам бермоқчилигини билдирди. Бундан мамнун бўлган О.Утемуратов ўзининг яшаш манзилини айтди.**

*Jinoyat va jazo*

# Ўғрига «ёрдам берган» жабрланувчи



Шундай қилиб, «қаҳрамонимиз»нинг ёрдами билан О.Утемуратов йўловчи машина тўхтатди ва уйига элтиб қўйишни илтимос қилди. Шу топда ёнида пули бўлмагани боис у ҳайдовчига вазиятни тушунтириб, ҳисоб-китобни уйда қилишга ваъда берди. Унинг ночор аҳволига раҳми келган ҳайдовчи ҳам индамай, розилик билдирди. Улар орадан кўп ўтмай манзилга етиб келишди. Ваъдага биноан ҳайдовчини рози қилган О.Утемуратов З.Асановни бир пиёла чойга таклиф қилди. Айнан шу таклифни кутиб турган Зариф бунга дарров рози бўлиб, ичкарига бош суқди. Икковлон худди эски қадрдонлардек бир-бирига мулозамат қилиб овқатланишди, яна ароқ ичишди. Шундоқ ҳам бир аҳволда ўтирган О.Утемуратов кўп ўтмай уйқуга кетди. «Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас» деганларидек, З.Асанов О.Утемуратовнинг ухлаганига ишонч ҳосил қилгач, хона ичини титкилашга тушди. Унинг «ов»и бароридан келди. У уй эгасига тегишли битта қўл телефони ва яна бир неча қўлга илингулик буюмларни ўмариб, воқеа жойидан ғойиб бўлди.

Ўзгалар ишончига кириб, уларнинг мол-мулкини ўғирлашга ўрганиб қолган З.Асанов йўлда бораркан, қилган ишидан мамнун эди. Ўзича бу гал «ишини» силлиққина амалга оширгани, воқеа жойини ҳам изсиз тарк этганига амин эди. Аммо...

Ярим тунда қўлида иккита катта сумка билан кўчада кетаётган З.Асанов ички ишлар ходимларида шубҳа уйғотди. Уни тўхтатишиб, қаерга бораётганини сўрашди. Бўйнида иллати борнинг оёғи қалтирайди, деб бежиз айтишмаган. Милиция ходимлари З.Асановнинг сумкаларини текширишганида у айбига иқрор бўлди. Шу тариқа ҳаёт сўқмоғида бир неча марта адашган З.Асанов такрор содир қилган жинояти учун қонуний жазога тортилди.

Шу ўринда О.Утемуратовнинг хатти-ҳаракатини ҳам маъқуллаб бўлмаслигини айтиб ўтиш жоиз. Унинг спиртли ичимликларга ружу қўйиб, кўчада маст-аласт аҳволда юриши, дуч келган бегона инсонни уйига таклиф қилиши ушбу жиноят содир бўлишига замин яратди. Шу маънода у З.Асановга ўзи билмай «ёрдам кўрсатди».

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг ўз ишига масъулият билан ёндашишлари натижасида бу жиноят ўз вақтида фош этилди. Шундай экан, жиноятчиликнинг олдини олиш нафақат ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, балки ҳар бир фуқаронинг, сизу бизнинг ҳам долзарб вазифамиз эканини унутмайлик.

**Саломат ДАВЛЕТМУРАТОВ,**
**Нукус шаҳар прокурорининг ёрдамчиси**
**Акмал ТОЖИМУРОД ўғли,**
**«Куч — адолатда» мухбири**


# КУЧ—АДОЛАТДА

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 030 рақам билан рўйхатга олинган.



ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Бўритош МУСТАФАЕВ
Олимжон ИСМАИЛОВ
Шерали РАҲМОНОВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Нуриддинжон ИСМОИЛОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Муҳаммад АЛИ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Дилбар СУЮНОВА
Масардин ҲАСАНОВ
Юлчибой ТУРСУНБОЕВ
Шоюнус ҒОЗИЕВ
Бахриддин НАИМОВ



Навбатчи муҳаррир
Отабек САФАРОВ

Саҳифаловчи
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.



Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1.
E-m@il: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: 239-02-54, 239-02-55



Буюртма: Г-418. Қоғоз бичими: А-2.
Сотувда эркин нархда. Адади: 6716.
1 2 4 5 Топширилди: 22⁰⁰